

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Йўлни билган йўл, кўпни кўрган

Кўприк қуради...

Кўприк қуради...



Муҳандислик-коммуникация тармоқлари орасида йўл инфратузилмасининг нақадар муҳим аҳамият касб этишини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Шу боис хавфсиз ва раван йўللари қуриш, таъмирлаш, сақлаш мақсадларига давлат бюджетидан миллиардлаб маблағ йўналтирилаётир. Зеро, йўлсозлик – улғу, шу билан бирга, машаққатли касб. Халқимиз азалдан йўл қуришни савоб ишлар рўйхатининг авваллига қўйиб келади.

Бунёдкорлик



Зангиота туманидаги Назарбек шаҳарчаси худудидан ўтувчи темирйўл ва автомобиль йўли кесилмасининг вақти-вақти билан ёпилиб туриши ва узундан узоқ тирбандликларнинг келиб чиқиши нафақат худуд аҳли, балки

жамки йўловчиларни кўп йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолардан эди. Шу боис, Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги "2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфрату-

зилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида мазкур худуддаги автомобиль йўлининг 3 километрида темирйўл устидан йўл ўтказгич қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу йирик лойиҳада дастлабки қурилиш ишлари 2021 йилнинг сўнгги ойларида бошланган бўлиб, бу ишга тажрибали мутахассислар жалб этилди. Улар лойиҳанинг ҳар бир жиҳатини пухта ўрганишди, замонавий техникалар ёлланди. Мустақкам темир-бетон пойдеворлар босқичма-босқич тайёрланди.

Ниҳоят, барча орзиқиб кутган кун – Тошкент вилоятини Тошкент шаҳри билан боғловчи янги "Назарбек" кўприги қурилиши муддатидан олти ой аввал якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Маросимда вилоят фаоллари, сектор раҳбарлари, худуд аҳли, нурунийлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Вилоят ҳоқими Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, барчани мухташам иншоот билан дилдан қутлади.

3

2023
9-ИYUL

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар – Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Робохон Махмудова, Ўзбекистон Экологик партиясидан Абдушукур Ҳамзаевнинг сайловолди ташвиқотида оид мақолалар чоп этилмоқда.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинапти.

2-саҳифага қаранг

Кун тасвири



ТОШКЕНТ вилоятида 2 та "Бизнес-инкубатор ва мураббийлик маркази" ташкил этилмоқда. Мазкур марказлар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, ишбилармонлик билан шуғулланмоқчи бўлган аҳолига соҳага оид билим ва кўникмаларини оширишда ёрдам беради.

БЎСТОНЛИҚ туманида "Баҳодирлар уйини" бўлиб ўтди. Мусобақада полвонлар автобус тортиш, тоғ тошини кўтариш, қилич уйнатиш каби шартлар бўйича ўзаро куч синашдилар.



ОҲАНГАРОН тумани Нуробод кўрғонидида жойлашган 2 та бўш турган 4 ва 5 қаватли уй-жойлар қайта таъмирланиб, кам таъминланган оилаларга ижара шартномаси асосида ажратиб берилди.



ЧИРЧИҚ шаҳар ҳоқими Даврон Ҳидоятوف Ҳиндистоннинг HFA Formulations Pvt.Ltd компанияси раҳбари Деепак Шарма билан учрашди. Учрашувда Чирчиқ шаҳрида фарм саноатини ривожлантириш юзасидан 5 миллион доллар қийматдаги лойиҳа юзасидан музокара ўтказилди.



ОЛМАЛИҚ шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмалашши бўлими орқали "Аёллар дафтари"га киритилган 100 нафар хотин-қизга ўзини ўзи банд қилиш мақсадида замонавий тикув машиналари субсидия тариқасида тарқатилди.



ПАРКЕНТ туманининг олис худудидида жойлашган "Қизилтоғ" шаҳарчасини фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилувчи 4-касбийлаштирилган ёнгин-қутқарув қисм биноси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Бинога қуёш панеллари ўрнатилди. Қутқарувчиларга туҳфа сифатида "ISUZU" русумли замонавий ёнгин учиратиш автомобили топширилди.



ОКМК – кўмуш медаль соҳиби!

Футзал бўйича Ўзбекистон чемпионатида мавсум якунига етди.

Пойтахтимизда чемпионатнинг сўнгги тур баҳслари бўлиб ўтди. Марказий ўйинда муддатидан аввал 1-ўрин масаласини ҳал қилган ВМВ клуби ўтган мавсум чемпиони "Жиззах Кентекс" дарвозасига жавобсиз 7 та тўп киритди.

Қувонарлиси, мавсумда 82 очко жамғарган Олмаликнинг ОКМК жамоаси қаторасига учинчи бор кўмуш медальга эга чиқмоқда. Бундан аввал олмаликликлар 2020-2022 йиллар мавсумида ҳам чемпионатни иккинчи ўринда якунлашганди. Шунингдек, вилоятимиз байроқдори 5 мартаба Ўзбекистон чемпионлигини, 4 қарра Ўзбекистон кубоги ва 2 марта суперкубоғини қўлга киритган.

Бундан ташқари, ОКМК ҳужумчиси Абдулла Солиҳов 51 та гол билан жорий йилги мавсум тўпураига айланди.

Яхши хабарлар

"Тараққиёт"да ЯНГИ БОҒЧА



Пискент туманидаги "Тараққиёт" маҳалласида 150 ўринли давлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини бошлади.

Ҳозирги кунда муассасада 120 нафар кичкинтойга 22 нафар тарбиячи таълим-тарбия бермоқда. Маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари учун 50 фоиз чегирма жорий қилинган.

Муассасада кундалик машғулотлардан ташқари рус, инглиз тиллари, шахмат, шашка, расм чизиш, бадий гимнастика, су-

зиш тўғараклари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир гуруҳ хонасига ўрнатилган кузатув камералари ва янги интеграциялашган электрон мониторинг тизими орқали ота-оналар уйларида ўтириб ҳам интернет ёрдамида фарзандларининг машғулотларда қандай иштирок этаётгани ва кун давомидаги жараёнларни кузатишлари мумкин.

Бекободлик Назира Боқиевани кўпчилик илғор фермер, омилкор деҳқон сифатида яхши танийди. Меҳнатдаги шижоати, ғайрати, тиним билмаслиги ва мустақкам иродаси боисми, уни "темир хотин" деб ҳам аташади. Қарийб 27 йилдан буён миришкорлик қилиб келаётган Назира опа ҳозирда "Боқиева Назира" фермер хўжалиги раҳбари.

ДЕҲҚОНКИ ДОНА СОЧАР, ЭЛГА РИЗҚ ЙЎЛИН ОЧАР...

Хўжаликка қарашли 84 гектар майдонда қишни қиш, ёзни ёз демай келаётган бу аёл тажрибаси бугун кўпчиликка ибрат.

Ўтган мавсумда 30 гектар майдонга ғалланинг "Васса элита" навини қадаган фермер ҳосил йиғим-теримида 90-95 центнердан хирмон уйиб, шартнома режасини ортиғи билан бажарди. Бу йил ундан ҳам яхши натижа кўрсатишни ният қилган.

– Ғалла парваришида энг муҳим

жиҳат уруғни дориллаб экишда, – дейди Н. Боқиева. – Чунки уруғ дориланганда, илдизи бақувват бўлади, тўлиқ туپлашга эришилади. Кейин турли касалликларга, нуқулай иқлим шароитига чидамли бўлади. Ундан сўнг ҳар бир агро-техник тадбирни ўз вақтида қилиш керак. Шундагина қўзланган ҳосилга эришиш мумкин.

Туман миқёсида бу мавсумда 15

минг 100 гектар майдонга ғалланинг "Давр элита", "Васса элита", "Гром элита", "Алексеевич элита", "Безост-та элита" навлари экилган. Давлат буюртма 40 770 тонна ташкил этса, шу кунгача 12 миң 156 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Худудда Назира Боқиевадек омилкор фермерлар бор экан, бу йилги хирмон ҳам ортиғи билан қўта-



рилиши аниқ. Биз бунга астойдил ишонамиз.

Нигора ўРОЛОВА
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Ғалла – 2023

Сиёсий майдонда халқчил ва ҳаётий ғоялари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўз номзодининг дастури орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдида Ватанимиз тараққиёти йўлида демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг социал-демократик моделини таклиф этмоқда.

ADOLAT

SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОШ МАҚСАД – ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ, АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ

Ҳаммамизга яхши маълум, яқиндагина бўлиб ўтган референдумда халқимиз алоҳида фаоллик, катта ишонч билан янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қўллаб-қувватлаб овоз берди. Албатта, бунинг замирида катта ҳаётий ҳақиқат, халқимиз оруз қилган янги ҳаётни қуриш мақсади мужассам. Зеро, адолатли жамият, демократик, ҳуқуқий давлат қуришга азму шижоат қилган эл борки, аввало, фаровонлик йўлидаги ислохотларни ўз Конституциясида акс эттиришга, бунда инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқи ва эркинликларини барча қадриятлардан устун қўйишга ҳаракат қилади.



Бундай тартибнинг жорий этилиши, албатта, ўз самарасини бермай қолмайди. Чунки, Асосий Қонунимизнинг қатъий мезонларидан хабардор иш берувчи раҳбар ҳеч қачон қўл остида ишловчи ҳодимга нисбатан ноқонуний йўл тутмайди, шу билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларига нисбатан ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлади. Зеро, қонунийлик билан оддий фуқаролар ҳам ҳуқуқбузарликдан йироқ бўлишлари керак. Демак, бу орқали биз мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар содир бўлишининг ҳам олдини олган бўламиз.

Албатта, Асосий Қонуннинг қабул қилиниши масаланинг бир қисми, холос. Галдаги асосий вазифа ушбу Қонуннинг устувор талаб, меъёр ва тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, улардан элимизнинг фаровон ҳаёти, муносиб турмуш тарзини янада яхшилашда самарали фойдаланишдан иборатдир. Токи халқимиз Бош қомусимизнинг ҳаётбахш руҳини ўз ҳаётида ҳис этиб турсин.

"Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод Робахон Махмудова Халқимизнинг, шу жумладан, партиясининг асосий электорати бўлган юқори маалаки мутахассислар, бюджет соҳалари ҳодимлари, педагоглар, шифокорлар, муҳандис-техник ва илм-фан, хизмат кўрсатиш соҳалари вакилларининг ҳаёти ва фаровонлиги янада юқори даражага кўтарилишини мақсад қилган ҳолда ўз дастурида қатор устувор вазифаларни илгари сурмоқда.

Дастурда конституциявий аҳамиятга молик тушунчалар, хусусан, ҳуқуқий давлат, ижтимоий адолат, миллий иқтисодиёт, илм-фан, инновациялар, таълим, аҳоли саломатлиги, фуқаролик жамияти, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни каби қўлпаб давримиз учун долзарб бўлган йўналишлар қамраб олинган.

ПИРОВАРД МАҚСАД – ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ
Дастурда алоҳида таъкидлаб ўтилгандек, "Адолат" социал-демократик партиясининг асосий қадрият бу – инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликларидир!

Эътиборли томони шундаки, дастурнинг деярли бешдан бир қисмини ташкил этган биринчи йўналиш мамлакатимизда **ҳуқуқий давлат бунёд этиш мавзусига** бағишланган. Сабаби, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзоллаш эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Шу боис, дастурда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун, биринчи галда, судлар мустақиллигини таъминлаш ва шу мақсадда судьяларнинг халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш амалиётини бекор қилиш таклифи илгари сурилган.

Бундан кўзланган мақсад, авваламбор, Асосий Қомусимизда судларга доир бўлган талабларни ҳаётга татбиқ этиш йўли билан уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирда судьяларимиз халқ депутатлари Кенгашларида мунтазам равишда ўз фаолиятини хусусида берган ахборотлари давомда ўзлари томонидан чиқарган суд қарорлари, айрим пайтларда эса хали юртимизда бўлган ва низоҳатга етмаган ишлар бўйича савол-жавоб қилишга мажбур бўлишмоқда.

Тўғри, депутатларимиз ҳам ўз сайловчиларининг манфаатидан келиб чиқиб савол-жавоб қилишлари табиий, лекин бу, бугун биз мустақил деб атаётган судларнинг фаолиятига тўғридан-тўғри аралашши эмасми? Бир қатор илғор хорижий мамлакатларда бундай ҳолат судларнинг мустақиллигига таҳдид соладиган омил сифатида баҳоланади.

Шу боис, янгиланган Конституцияимизнинг **130-моддаси**да суд ҳокимияти қонун таъинловчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиядан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши, **136-моддаси**да эса, судьялар ҳисобдор бўлмаганини қатъий белгилаб, уларнинг фаолиятига аралашши омиллари бартараф этилди.

Шу билан бирга, "Адолат" социал-демократик партиясидан номзод судларни ҳаётда ҳақиқатдан адолат қўриганига айлантиришга эришиш мақсадида **судьялар сонини кўпайтириш, уларнинг иختисослашувини янада кенгайтириш**, жумладан, оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, **воёга етмаганлар ҳуқуқларини** ҳимоя қилишга оид низолар бўйича иختисослаштирилган судьялар корпусини шакллантиришни таклиф этади.

Судьялар фаолиятида бундай ўзгаришлар одил судлов сифат ва самарадорлигини кўтаришга қаратилган. Агар масалага оддий кўз билан қарасак, бугунги шиддат бўйича ишқараётган замонда ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тегишли қўлпаб янги қонунлар қабул қилиб борилмоқда.

Бундай вазиятда ҳар қандай юқори билимли ва катта тажрибага эга бўлган ҳуқуқшунос ҳам барча соҳалардаги ўзгаришларни мукаммал ўзлаштириб, қамраб олиши қийинлигини инкор этиб бўлмайди. Энг асосийси, **суд ресурсларидан оқилон фойдаланиш, фуқаро ва тадбиркорлар сансалорлигининг олдини олиш** учун судьяларнинг соҳалар бўйича иختисослашувини кенгайтириш зарур бўлади.

Масалан, оилавий судлар АҚШ, Хитой, Германия, Сингапурда самарали фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, 2022 йил давомига Ўзбекистонда **56 та** интеллектуал, **58 минг 403 та** оила, **40 минг 198 та** оилавий низолар, **48 минг 857 та** воёга етмаганлар билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилганини, бу ишларнинг барчаси иختисослашмаган судьялар раислигига ҳал этилганлиги масалага янгича ёндашувни тақозо этади.

Шунинг учун ҳозирда энг долзарб ҳисобланадиган соҳалар, яъни **оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк, воёга етмаганлар ҳуқуқларини** ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолият кўрсатаётган судьялар орасидан танлаб олиб, уларни иختисосликка йўналтириш керак бўлади.

Жамиятда қонун асосида яшаб ҳаёт тарзимизга айланиши зарур. Бундан устун, энг аввало, Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашимиз шарт. Бу борада Конституцияимизда илғор ҳуқуқий механизмлар кўзда тутилган бўлиб, жумладан, **давлат хизмати**га ишга қирадиган ҳар бир ҳодимни Конституцияни билиш бўйича синовдан ўтказиш лозимлиги ҳақидаги таклиф илгари сурилган.

Умуман олганда, партиядан номзод амалдаги қонунчиликка киритилган илғор нормаларни ҳаётимизга изчиллик билан татбиқ этишда фаол қатнашишини маълум қилган.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири, шубҳасиз, бу инсоннинг ҳуқуқи ва манфаатларининг тўлақонли таъминланishiдир. Бунда эса, **адвокатура институтининг ўрни ва роли** беқеъсидир. Шу боис, **янгиланган Конституцияимизнинг XXIV боб 141-142-моддаларида адвокатлар мақоми мустаҳкамланиб**, уларнинг терговчи ва прокурор билан тенг конституциявий мақомага эга эканлиги қайд этилгани низоҳатда аҳамият касб қилмоқда. Шу билан бир қаторда, адвокатура институтини ривожлантириш борасида навбатдаги қадамларни қўйишда, жумладан, улар учун ҳуқуқий меъёрларда белгилаб берилган ваколат ва имкониятлар ҳаётга тўлақонли татбиқ этилишида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Президентликка номзоднинг ўз қарашлари бор, албатта.

Бу мақсадга эришиш учун адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш жозиб. Айниса, **адвокатура, суд ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинушини** янада яхшилаш чораларини қўриш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, дастурда кам аҳамиятли хатолар учун нотариуслар фаолиятини тўхтатиб туриш амалиётига барҳам бериш, **биринчи мартаба ёки қўлоп бўлмаган хатолар учун нотариусларга жарима қўллаш амалиётини йўлга қўйиш** таклиф этилган. Чунки, ҳудудларда шусиз ҳам етарли бўлмаган нотариусларнинг фаолиятининг вақтинча тўхтатиб турилиши орқасидан оддий фуқаролар турли овозгарчиликларга дуч келишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ҳақиқи норозиликларига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, "Адолат" социал-демократик партиясининг маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари устидан депутатлик назоратини қучайтириш орқали халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини ошириш тарафдорли. Ушбу йўналишда партия давлатда бошқарув интизомини сақлаб қолиш мақсадида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳокимларга нисбатан ишончсизлик билдириши ҳуқуқига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

ИЖТМОИЙ АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ ЙЎЛИДА
Анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўллами дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли ижтимоий давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг барча соҳаларда ижтимоий адолатни қарор топтириши ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этади.

Янгиланган Конституцияимизда **ҳар кимнинг уй-жойли бўлиши ҳуқуқи** белгиланган. Ушбу нормани амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчилигимизда **ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги**, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойининг қиймати ҳамда у қўриган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда **тенг қийматда** (бозор қийматида) қопланиши таъминланishi кафолатланмоқда.

Номзод дастурида мазкур конституциявий қондани таъминлаш учун ўз даромади билан уй-жойли бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар учун қўшимча имкониятлар яратиш чораларини қўриши белгиланган.

Жумладан, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича **"Ижтимоий давлат – 2030"** дастурини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилмоқда.

Номзод дастурида шу ва шу каби қўлпаб аҳамиятга молик олижаноб ва эзгу мақсад-вазифалар белгиланган. Улар адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуришга – ижтимоий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш, меҳнаткаш халқимиз учун муносиб фаровон ҳаётни барпо этиш, мамлакатимизда барқарорликка ва ижтимоий адолат устуворлигига эришишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ишонимизки, партиясининг бундай улғувор мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади!

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлатни биргаликда қурашимиз!

Баҳром АБДУХАЛИМОВ,
"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси

"Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод Робахон Махмудовага овоз беринг!

«ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ – КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ

Бугун инсоният янги таҳдидлар олдида турибди. Сайёрамиз аҳолиси кўпайишда давом этипти, табиий ресурслар захираси эса муттасил равишда қисқармоқда. Аввало, глобал экологик муаммоларнинг кескинлашувини кузатяпмиз. Дунё ҳамжамияти эса вазиятни ўнглаш учун жаҳон иқтисодиётида «яшил тараққиёт» тамойилларини жорий қилиш зарурлигини таъкидламоқда. Мазкур ёндашув БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган.



Марказий Осиё ва бутун дунё учун долзарб аҳамиятга эга Орол фожиаси, шунингдек, ер ва сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш, ерларнинг ва экотизимнинг таъназулга учраши, биологик хилма-хилликнинг, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлар генофондининг қисқариши, атмосфера ҳавоси ва оқова сувларнинг ифлосланиши, саноат ва маиший қиндиларнинг тўпланиши каби экологик муаммолар ҳар бир мамлакатни бу масалага янада жиддий эътибор қаратишини тақозо этмоқда. Бу каби муаммолар биз учун ҳам жуда муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масалалар ҳисобланади.

Олдимизда турган асосий масалалардан бири бу – **энергетика тизимидаги муаммоларнинг олдини олиш** ва уларни бартараф этишдир. Ҳаммамизга маълум, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини улзуксин энергия билан таъминлаш жуда муҳим масала. Шу босидан ҳам, номзоднинг Сайловолди дастурида бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастурида биринчи йўналиш **мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва «яшил» иқтисодиётга ўтишни жаддалаштиришга** бағишлангани ҳам ушбу мақсаднинг нақадар устувор ва аҳамиятли эканидан далолатдир.

Номзоднинг Сайловолди дастурида мамлакатда энергия барқарорлигини таъминлашда хавфсиз ва безарар, энг тўғри йўл сифатида қайта тикланувчи энергияни ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, бу борадаги ишларни имкон борича тезроқ ва сифатлироқ амалга ошириш орқали халқимизни бугунги замонавий ҳаётда учраётган электр энергияси таъминлиги муаммасидан халос қилишнинг муқобил ва хавфсиз йўллари таклиф этиляпти.

«Яшил» иқтисодиётга ўтиш учун Ўзбекистон Экологик партиясининг ўз Сайловолди дастурида қатор мақсадларни ўз олдига қўймоқда:

Биринчидан, иқтисодиётнинг барча соҳаларини «яшил» иқтисодиёт тамойиллари асосида ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат юритилади. Бу эса, табиий ресурслардан оқилон фойдаланиш, уларни тежаш ва биологик ресурсларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Биринчидан, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган «Яшил энергетика Стратегиясини

ишлаб чиқишимиз зарур. Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, мана шу орқали олдимизда турган асосий масалалардан бири – энергетика тизимидаги муаммоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мумкин бўлади.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг кўп ресурс талаб қиладиган – энергетика, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт коммуникация тизими ва коммунал соҳаларида энергия, инсон тежовчи ва бошқа инновацион экологик ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш биринчи галда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Маълумки, мамлакатимизда «яшил» иқтисодиётга ўтишда географик жойлашув, иқлим ўзгариши ҳамда инновацион ёндашувлардан келиб чиқилмоқда. Ўзбекистон қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш бўйича юқори техник салоҳиятга эга эканидан келиб чиқиб, аввало, иқтисодиёт тармоқларида қўёш, шамол, кичик сув оқимлари, геотермал ва биомасса энергиясидан фойдаланиш ҳамда ушбу йўналишларга илғор инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугунги глобал масалалардан яна бири – **атмосфера ҳавосига чиқарилаётган захарли газлар микдорини камайтириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш** ҳисобланади. Зотан, «яшил» иқтисодиётнинг асосий талаби ҳам умумий иқтисодиётни табиат ва атроф-муҳитга зарар келтирмасдан ривожлантиришдан иборатдир.

«Яшил» иқтисодиётга ўтиш учун Ўзбекистон Экологик партиясининг ўз Сайловолди дастурида қатор мақсадларни ўз олдига қўймоқда:

Биринчидан, иқтисодиётнинг барча соҳаларини «яшил» иқтисодиёт тамойиллари асосида ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат юритилади. Бу эса, табиий ресурслардан оқилон фойдаланиш, уларни тежаш ва биологик ресурсларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Бугунги глобал масалалардан яна бири – **атмосфера ҳавосига чиқарилаётган захарли газлар микдорини камайтириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш** ҳисобланади. Зотан, «яшил» иқтисодиётнинг асосий талаби ҳам умумий иқтисодиётни табиат ва атроф-муҳитга зарар келтирмасдан ривожлантиришдан иборатдир.

«Биз экологик барқарор ривожланишга йўналтирилган «яшил» сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш ғоясини илгари сурамиз.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидагиларни устувор вазифа сифатида белгилаймиз:

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини «яшил» иқтисодиёт тамойиллари асосида ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат юритилади. Бу эса, табиий ресурслардан оқилон фойдаланиш, уларни тежаш ва биологик ресурсларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Ватанимиз инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида «Яшил виза» (Green Visa) дастурини жорий этиш орқали юртимизга табиий ресурслардан самарали фойдаланишга қўлпаб қилинади: иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда яшил иқтисодиётга ўтлашнинг ҳолатига баҳо беришни назарда тутувчи тармоқлар ва ҳудудларнинг «яшил индекс»га ўтиш индекси» ишлаб чиқилади.

«Биз экологик барқарор ривожланишга йўналтирилган «яшил» сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш ғоясини илгари сурамиз.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидагиларни устувор вазифа сифатида белгилаймиз:

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини «яшил» иқтисодиёт тамойиллари асосида ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат юритилади. Бу эса, табиий ресурслардан оқилон фойдаланиш, уларни тежаш ва биологик ресурсларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Ватанимиз инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида «Яшил виза» (Green Visa) дастурини жорий этиш орқали юртимизга табиий ресурслардан самарали фойдаланишга қўлпаб қилинади:

«Биз экологик барқарор ривожланишга йўналтирилган «яшил» сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш ғоясини илгари сурамиз.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидагиларни устувор вазифа сифатида белгилаймиз:

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини «яшил» иқтисодиёт тамойиллари асосида ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат юритилади. Бу эса, табиий ресурслардан оқилон фойдаланиш, уларни тежаш ва биологик ресурсларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Ватанимиз инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида «Яшил виза» (Green Visa) дастурини жорий этиш орқали юртимизга табиий ресурслардан самарали фойдаланишга қўлпаб қилинади:

«Биз экологик барқарор ривожланишга йўналтирилган «яшил» сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш ғоясини илгари сурамиз.

Дастурда иқтисодиётнинг кўп ресурс талаб қиладиган – энергетика, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт коммуникация тизими ва коммунал соҳаларида энергия, ресурс тежовчи ва бошқа инновацион экологик ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этишни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Иккинчидан, мамлакатдаги асосий ишлаб чиқарувчилар, айниса, йирик корхоналар яшил технологияларга йўналтирилади.

Бутун дунёда, қолаверса мамлакатимизда ҳам табиий ресурслардан оқилон фойдаланиш, уларни тежаш ва биологик ресурсларнинг қайта тикланишини таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Париж битими доирасида, Ўзбекистон 2030 йилгача япни ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган иссиқхона газлари ташланшининг 35 фоизга камайтириш мажбуриятини яна бир бор тасдиқлайди. 2026 йилга бориб «яшил» энергия улушини 8 минг МВтгача ошириш режалаштирилган, бу эса карбонат ангидрид қиндиларини 5 миллион тоннага камайтириш имконини беради.

Учинчидан, Ўзбекистон инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида «Яшил виза» (Green Visa) дастурини жорий этиш таклифи илгари сурилган. Бу орқали мамлакатимизга табиий ресурслардан самарали фойдаланиш учун капитал жалб қилиниши эътиборга лойиқдир.

Тўртинчидан, тармоқлар ва ҳудудларнинг «яшил иқтисодиётга ўтиш индекси»ни ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди.

«Биз экологик барқарор ривожланишга йўналтирилган «яшил» сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш ғоясини илгари сурамиз.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидагиларни устувор вазифа сифатида белгилаймиз:

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини «яшил» иқтисодиёт тамойиллари асосида ривожлантиришга йўналтирилган сиёсат юритилади. Бу эса, табиий ресурслардан оқилон фойдаланиш, уларни тежаш ва биологик ресурсларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Ватанимиз инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида «Яшил виза» (Green Visa) дастурини жорий этиш орқали юртимизга табиий ресурслардан самарали фойдаланишга қўлпаб қилинади:

«Биз экологик барқарор ривожланишга йўналтирилган «яшил» сиёсатни ҳаётга татбиқ этиш ғоясини илгари сурамиз.

Бу мақсадга эришиш учун қуйидагиларни устувор вазифа сифатида белгилаймиз:

Ўзбекистон Экологик партиясидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевга овоз беринг!

Хайрулло ГАППОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партиясининг фракцияси раиси

Тиббиёт



КУЛАЙ ШАРОИТ СИФАТЛИ ХИЗМАТ ГАРОВИ

Чирчиқ шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида хизмат сифатини яхшилаш, аҳолига қулайлик яратиш, шароитларни кенгайтириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Масалан, илгари марказдаги Гастрозентерология бўлими 20 та, нефрология бўлими эса 4 та ётоқ ўрнига эга бўлган бўлса, ҳозир улар сони янада оширилиб, алоҳида бўлим сифатида фаолият бошлади.

Очили, мазкур тиббиёт масканининг шароитлари, тиббий асбоб-анжомлар ҳам ҳаминқадар эди. Марказ раҳбариятининг сай-ҳаракати, қолаверса, мамлакатимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътибор туфайли ўтган йилнинг июль ойидан қайта таъмирлаш бошланди ва ноябрь ойида замонавий, барча шароитларга эга бўлган бўлим фойдаланишга топширилди.

– Бўлимимизда, асосан, ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган беморлар даволанади, – дейди Гастрозентерология бўлими мудир Нигора Нурова. – Кунига 15 нафар беморни қабул қиламиз. Уларнинг аксарияти қабзият, кўнгил айниш, қусиш каби шикоятлар билан келишади. Айниқса, ёзги мавсумда ошқозон-ичак касалликлари билан шикоят қилувчилар сони ортади. Дастлаб, уларни лаборатория текширувидан ўтказамиз. Таҳлил натижаларида вирус аниқланса, юқумли касалликлар шифохонасига юборамиз. Сабаби, касаллик бошқа беморларга ҳам юқиши мумкин. Қолган ҳолларда эса ўзимизда даволанишамиз.

Мазкур тиббиёт масканда 10 нафардан ортиқ малакали шифокор ва ҳамширалар фаолият олиб боришади. Улар жажжи беморларни қайноқ меҳрлари, ширин сўзлари билан аниқ ташхис ва таҳлиллар асосида даволанади. Хоналар болажонларнинг кайфиятини кўтаришга мосланган бўлиб, турли ранг-баранг жиҳозлар билан безатишган, деворга эса соғлом турмуш тарзи ва унинг қоидалари, ота-оналар учун бола парваришидаги фойдали маслаҳатлар ҳақида баннерлар илган. Хуллас, яратилган шароитдан барча мамнун.

Ўз мухбиримиз

ЙЎЛНИ БИЛГАН ЙЎЛ, КЎПНИ КЎРГАН КЎПРИК ҚУРАДИ...



– Мен ушбу лойиҳанинг қурилиши жараёнида давлатимиз раҳбари илгари сурган “Инсон қадр” тамойилининг ҳаётбахш кучи ва аҳамиятини яна бир қарра чуқур ҳис қилдим, – деди жумладан вилоят раҳбари. – Боиси, бу йўл ўтказгич туфайли пойтахт ва унга ёндош ҳудудларда транспорт воситаларининг қатнов вақти ҳамда тезлиги ўзгаради, яхшиланади. Вужудга келаятган катта тирбандлик батамом барҳам топади. Эътиборлиси, бу кўприк вилоятимиздаги ана шундай йўлўтказгичларнинг энг мухташамларидан бўлиб, эни 20, узунлиги 940 метрни ташкил этади. Янги кўприкнинг бир кунлик ўтказиш қобилияти доирасида ўттиз минг автомашина ҳамда 23-24 минг пиёда ҳаракатланади. Иншоотнинг қурилиш-монтаж ишларига 113 миллиард сўм ажратилган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ЁШЛАРИМИЗ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Баракалла!

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, уларни мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ ва қонунчилик тизимидаги ислохотлар билан яқиндан таништириш мақсадида қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда “Ёшлар ва қонун” танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Танлов якунига кўра, 14-18 ёш тоифасида 1-ўрин Тошкент вилояти жамоасига насиб этди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати



Ажаб савдолар

Балки ўқиган чиқарсиз – Шухрат домланинг “Жаннат қидирганлар” романида яхши, осуда ҳаёт қидириб, ўтган асрнинг йигирманчи йиллари янги ташкил топган социалистик мамлакатдан яқин хориж – Афғонистонга бош олиб чиқиб кетган ўзбек оиласининг тақдирини қисқача қилинади.

Уша пайтлари Афғонистон (ҳали Покистон алоҳида давлат эмас, Ҳиндистон Буюк Британия мустамлакаси эди) ҳақиқатан ҳам яқин хориж ҳисобланган – ўзаро алоқалар яхши, ҳар икки жойда турмуш тарзининг деярли фарқи йўқ, бир дин, бир-бирини яқин тиллар, менталитетлар... Аммо, йиллар оша Афғонистон ҳам тўғри, ҳам кўча маънода олис хорижга айланган қолди. Орадаги чегаралар мустақамланди, ўзаро борди-келдилар ҳисобли бўлиб қолди. Афғонистонга чиқишни истайдиганлар ҳам, СССРга киришни истайдиганлар ҳам махсус хизматларнинг чиғирғидан обдон ўтказиларди.

Асар фабуласи шундай: ўз юртига бошқа қайтмас бўлиб кетган мусофирларнинг ўша даврлар собиқ иттифоқ таркибидидаги диёри-мизда қолган қариндошларидан бири – ошқ қидирган қандайдир махсус хизмат билан Афғонистонга боради. Уша пайтлар Афғонистонда ГЭСлар, заводлар, мактаблар, шифохоналар, ҳаммомлар қуриш, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, дарс бериш, қишлоқ хўжалик техникаларини бошқаришни ўргатиш учун турли мутахассислар беш-ўн йиллик хизмат сафарларига юборилар, уларга ҳарбий разведкачи унвонлари берилар, ҳар икки тарафда ойлик маошлари сақланар, пенсияга имтиёзли шартларда чиқарилар ёки устама тўланарди.

Уша мутахассис йигит бундан ўн йиллар бурун Афғонга чиқиб кетган қариндошларини қидириб топади, ўзи ошқ бўлган қизининг кейинги тақдирини қизикчади. Уша қиз тўрт хотинли кишининг

хасмига айлангани, бир-икки бола туққанини билиб, бир имкони топиладиганда, қариндошларининг уйда, яширин хонада холи қолганича юзма-юз гаплашади. Уша ҳам қариндош, ҳам собиқ севгилиси бўлган аёлнинг тақдирига ачинган, шўровий йигит унга ўзи билан Ўзбекистонга кетишни, ўз юртида ҳаёт тамоман ўзгариб кетганини “пропаганда” қилади.

Асарда бамисоли, жаннат қидириб кетганлар аслида, жаннатдан чиқиб кетишгани ургуланади...

“ЖАННАТ”НИ КЎРГАНЛАР СИНДРОМИ

Албатта, болали аёлни СССРга қайтариб олиб кетиш шунчаки хомхаёл эди. Бунга СССР тарафи имконият яратиб берган тақдирда ҳам, аёл қариб, ўлим тўшағида ётган ота-онасини ташлаб кета олмасди, эридан яширинча чиқиб кетиш ҳам катта муаммо. Боз устига, эрининг иккинчи (ё учинчи) хотини бўлса ҳам, кўз очиб кўргани, боласининг биттасини олса, иккинчиси қилиб кетади, юртига қайтганида ҳам ушбу қариндош йигитнинг хотини, қариндошлари нима деб ўйлайди, яна бошқа бир эркакка эски талағи узилмаган ҳолида турмушга чиқиб бўладими-йўқми, янги ҳаётга кўникиб кетадими-йўқми...

Буни эслашимдан мақсад, “жаннат” пропагандаси ҳаммиса мавжуд бўлгани ва бу тарғибот тағидида маълум бир мақсадлар яширин эканини таъкидлашдир.

“Минг бир кеча” эртагида ҳам шунга ишоралар бор. Яна бундан минг йиллар, балки бундан ҳам бурунгироқ даврларда хошимийлармикин, ё Муқанна афсонасидамикин, жаннатга тушиш қасдида шаҳидлик йўлига кирган ёш йигитлар ҳақидаги ривоятлар ҳам мавжуд.

Эмишки, ўн олти-ўн саккиз ёшли 5-6 нафар бакуватт йигитларни қароқчилардан иборат катта

гурӯҳнинг тоғлар орасидаги яширин қароргоҳига олиб келишади. Бу йигитлар деярли таниш эмас, таниш бўлганлари ҳолида гаплари бир жойдан чиқмайди, ўзаро ҳам жангари ёшлардир. Уларни махсус хонада обдон меҳмон қилишади, уйкуга тортадиган дори қўшилган шароблардан ичиришади. Ёш йигитлар ухлаб қоладилар. Ана шундан кейин, уларнинг кийимлари ўрнига енгил шохӣ матолардан тикилган либослар кийдирганча, бошқа жойдаги катта ғор ичида

Кейин эса яна ўлардай чарчаб, дори қўшилган шароб таъсирида яна қаттиқ уйкуга кетадилар. Хурлиқлар эса тезда уларга эски кийимларини кийдиришади, йигитларни бошқа хизматчилар аввалги хоналарига олиб бериб ташлайдилар...

Йигитлар уйғонганида бояги “жаннат боғи”дан асар йўқ. Улар буни тушимизда кўрдикми, десалар, беш-олти киши битта тушни кўриши мумкинмас. Боз устига, бадалларига суртилган мушқу анбарлар ҳиди

вазим келиб кетяпти! Майлими, кулоғингиздаги жаннат гулини чаккамга тақиб олсам! Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!..”

Йигитлар яна ўша жойга қайтишининг иложи борми, дея сўрашлари тайин.

“О-о, бу бахт бир келди, бошқа келиши қийин! Шунча йил яшаб, жаннатга бир муддат бериб-кегганларни кўрдим, эшитмадим ҳам. Жаннатга тезроқ тушиш учун шаҳид бўлиш керак. Ҳатто, менинг ҳам бундан умидим унчалар кўп эмас. Ахир, шунча йил яшаб, билиб-билмай қилган гуноҳларим бор. Сизлар эса ҳали гуноҳга кўпам қўл урмаган бўз йигитсизлар. Битта йўли бор, ҳақиқат учун кураш йўлида шаҳид бўлибгина, тўппа-тўғри жаннат боғига тушишларинг мумкин, тағинам худойим билгувчироқдир, валлоҳи аълам!..”

Шундан кейин, жаннатга яна тушиш орсусида ёнган йигитларга турли қароқчиликларни ўргатадилар ва айрим “душман”ларнинг жонини олиш учун юборишади. Бу орада яширин қорғай “жаннат боғи”да бошқа ёш йигитларни меҳмон қилиб, яна янги шаҳидлар гуруҳи тайёрланаверади...

Махсус топшириқдан бирортанинг жонига зомин бўлиб, катта хазинани ўйраб қайтган йигитларни яна беш-олти соат пинҳона “жаннат боғи”га меҳмондорчиликка олиб киришади...

Шаҳидликка ёллаш схемаси мана, минг йиллар ўтса ҳамки, ўзгариши йўқ. Бунинг бошқача вариантлари ҳам мавжуд.

Шаҳар кўрган эчкидан кўрқ, деганлари каби, ер юзидаги “жаннатни кўрганлар”дан ҳам, бунақа ер юзидаги “жаннат”га тушиш ҳаёлида юрганлардан ҳам эҳтиёт бўлиш керакдай.

Яна, Ўзи билгувчироқдир... **Оллоғў БЕГАЛИЕВ, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**



бунёд қилинган бир чиройли боққа олиб бериб ётқиришади. Гуллар очилиб ётибди, товуслар юрибди, булбуллар сайраган, кичкина булоққа ўхшаган фонтанчадан шароб отилиб чиқмоқда. Чилимлар, катта олтин товоқларда турли мевалар, ҳоввалар, pista-бодомлар... Қайдандир сеҳрли мусиқа садолари келмоқда...

Йигитлар уйқудан уйғониб, атрофга қарашса – ўзгача ҳаёт. Сухсурдек қизлар рақс тушиб, уларни кучмоқда... Йигитлар ўзларини бамисоли жаннатдагидек ҳис этадилар.

ҳали ҳам кетмаган. Кулоқларига кистрипти олган жаннат райҳонлари, гуллари ҳам ҳали сўлиб улгурмаган!..

Уларнинг бундай гаранг ҳолатларини шу ерда ҳозир бўлган оқсоқол бундай таъбирлайди: “О-о! Сизлар худо ярақкаган йигитлар экансиз! Мен ёшлигимдан жаннатни шунчаки кўриш ишқи билан ёнаман. Аммо, бунинг сира иложи бўлмаганда. Сизлар эса шундай ёшлига бўла туриб, жаннатни кўриш, ердаги хуру гилмонлар билан ишрат қилиш бахтига мушарраф бўлибсиз. Сизларга ҳа-

Вилоят ҳоқими қурилишни шахсан давлат раҳбарининг ўзи назоратга олгани, Бош вазир икки мартаба келиб, муҳокама ўтказганини ҳам жамоатчиликка маълум қилди.

– Сайр ҳам сайил, саргардон ҳам сайил, дейишарди эскиларимиз. Лекин, бугунги шиддаткор замонга бу мақол тўғри келмай қолди. Вақт тиғиз, ҳеч нарсага улғуриб бўлмайти ҳозир. Шу боис, саргардонликдан асрасин. Ўттиз беш йилдан буён “Қимиз бўстон” маҳалласида яшайман. Болаларим иш, ўқиш учун пойтахтга қатнашади. Шу пайтгача бориб-келишда қийналиб, кўп вақтлари йўлда ўтарди. Юрагимни ҳовучлаб ўтирардим, йўлдан соғ-омон ўтишин, деб. Аксар машина ҳайдовчилари пиёдаларга умуман йўл бермасди. Дам олиш кунлари бозорга бориб келгунимизча кун кеч бўларди. Бугун, мана, кенг, мустаҳкам кўприк ишга тушди. Бундай қулайликдан мамнунмиз, оғиримиз енгил, узоғимиз яқин бўлди, – дейди маҳалла фуқароси Гулноза Қудратова.

Бу каби кўламли бунёдкорликлар пойтахт вилоятида юқори суратларда давом этмоқда. Негаки, маълумотларга кўра, 2022 йилнинг иккинчи ва 2023 йилнинг биринчи ярмида Тошкент вилоятида йўл ва кўприклар қурилиши учун 1 триллион 113 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Ўқир **ҲОШИМОВ,** “Тошкент ҳақиқати” муҳбири **Нозим АБДУЛЛА** олган суратлар

Эълонлар

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА! “КО’СНМАС МУЛК ХИЗМАТЛАРИНИ КО’РСАТИШ ЖАМИАТИ” МЧЖ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

“Ko’chmas mulk xizmatlarini ko’rsatish jamiyati” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2023 йил 12 июндаги 90-сонли буюртманомасига асосан, қурилиши режалаштирилган савдо шаҳобчаларининг ижара олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган, савдо шаҳобчаларининг сони – 2 дона, ҳар бирининг майдони – 2 м.кв.дан иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 29 290 000 сўм.

2. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган, савдо шаҳобчаси сони – 1 дона, майдони – 4 м.кв.дан иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 58 580 000 сўм.

3. “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган, савдо шаҳобчаси сони – 1 дона, савдо шаҳобчанин майдони – 9 м.кв.дан иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 145 440 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилиш охириги мuddати 2023 йил 12 июль куни соат 16:00 да тўхташилади.

Талабгорларнинг таклифлари 2023 йил 14 июль куни соат 11:00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2023 йил 28 июль, 7, 17, 28 август, 7, 18, 27 сентябрь кунлари сотилгунга қадар соат 11:00 да ўтказилади.

Савдодага қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; – жисмоний шахслар – СТИР ва парспорт нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Ko’chmas mulk xizmatlarini ko’rsatish jamiyati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филилидаги ҳ/р: 20208000505331723021, МФО: 01121, СТИР: 308112732 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Таклифи маълум топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб, 20 банк куни ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Бодомзор йўли к/часи, 33-уй. Телефон: (71) 237-23-91.

“X-FARUS” фермер хўжалигига (СТИР 203028329) тегишли бўлган думалок муҳри ва бурчак штамп йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Футбол бўйича Аргентинада бўлиб ўтган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз 1/8 финалда аламли тарзда мағлуб бўлди. Эътиборлиси, гуруҳ босқичининг сўнгги турида ҳамюртларимиз ўта муҳим ўйинда Гватемалага қарши майдонга қочиқиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонган, Бекободнинг "Металлург" жамоаси хужумчиси Шаҳзодбек Неъматжонов эса ўша учрашувнинг ҳақиқий қаҳрамони га айланган эди. Айнан у иккала голга ҳам муаллифлик қилиб, футбол ихлосмандларининг эътиборига тушди. Фурбатдан фойдаланиб, биз бекободлик ёш иқтидор соҳиби билан суҳбатлашдик.

— Шаҳзодбек, футболга қандай кириб келгансиз, илк мураббийингиз ким бўлган?

— Футболга қизиқишимга дадам сабабчи бўлганлар. Улар футболчи сифатида "Янгир", "Насар", "Металлург", "Машъал" каби клубларда тўп тепганлар. Ҳозирда эса "Металлург" жамоаси мутахассиси сифатида фаолият юритиб келмоқдалар. Ёшлигимиздан дадамнинг ўйинларини кўриб, завқ олардим. Бўш бўлдим дегунча, кўчага чиқиб, тўп тепардим.



БЕКОБОДДАН ЧАҚНАГАН УМИД

Мендаги бу қизиқишни сезган дадам 6 ёшимдаёқ футбол мактабига олиб борганлар. У ерда мураббий Жамшид Мирабдуллаевдан футбол сир-асрорларини ўрганганман.

— Аргентинада ўтган жаҳон чемпионати аввалида сизларга қўйилган

рингли ўринлардан бирини эгаллаш ҳамда ўзбек футбол тарихидаги энг ёрқин

натижаларни қайд этиш бош мақсадимиз бўлган. Уйлашимча, ўйин жиҳатдан буни ууддаладик. Бироқ вазиятлардан фойдалана олмаганимиз бироз панд берди. Қайсидир вазиятларда эса рақибга омад кулиб боқди. Асосийси, нафақат Ўзбекистондан, балки хориждан

ҳам муҳлис ортирдик. Бу ҳам бир ютуқ.

— Қачондир футболдан кетмоқчи бўлганмисиз? Бўлган бўлса бунга сабаб?

— Биласизми, бу каби ҳолат ҳатто жаҳон футболларида аксарият спортчиларда ҳам учрайди. Сабаби, футбол бир текис фаолиятдан иборат спорт турлари қато-

рига кирмайди. Унда турли паст-баландликлар бўлади. Мен ҳам футболдан кетмоқчи бўлганман. Бунга эса муваффақиятсиз учрашувлар, ўйиндан қониқмаслик каби ҳолатларнинг психологик таъсири сабаб бўлган. Масалан, "Бунёдкор" клубидаги охириги йилларим ҳамда "Металлург"даги илк фаолият олиб борган даврим ўта оғир кечган. Бироқ яқинларим, дадамнинг далдалари ва ишончлари билан бу вазиятдан чиқиб кетганман.

— Илк маошингизни эслай оласизми?

— Албатта. Илк маошим 800 минг сўм бўлган. Буни 2020 йилда Бекобод клубида фаолият олиб борган

пайтимда олганман. Тўғри, бу катта маблағ эмас, аммо мен учун жуда қадри эди.

— Футболдаги "қумир"ингиз борми?

— Аниқ бир футболчининг муҳлисиман, дея олмайман. Лекин, Роналду, Месси, Неймар, Мбаппе, Ҳолланд сингари жаҳон футбол юлдузлари ўйинини кузатиш ёқади. Уларнинг ҳаракатларидан завқ олиб, имкон қадар нимадир ўрганишга ҳаракат қиламан.

— Ёшлар ўртасидаги мундиаллар доимо жаҳон футбол скаутларининг диққат-марказида бўлади. Улар бу каби турнирларда ёш иқтидорларни кузатиб, жамоаларига таклиф қилишганининг кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Сизга ҳам шундай таклифлар бўлди?

— Жаҳон чемпионати давомида қатор клублардан таклиф бўлди. Бу бўйича мураббийларим билан маслаҳатлашиб, якуний қарорни чиқарамиз. Ҳозир эса "Металлург" аъзосиман ва бор диққатимни клуб муваффақиятига ҳисса қўшишга қаратмоқчиман.

— Фаолиятингиздаги энг катта мақсадингиз нима?

— Энг катта мақсадим — терма жамоа билан жаҳон чемпионатида чиқиш. Бу йўлда бор куч ва ғайратимни ишга солиб, ўз устимда ишлашдан асло тўхтамайман.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири Суҳробжон САДИРОВ суҳбатлашди

Кўргазма

Тўзалмишдан лавҳалар

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли рассом Эраббой Машариповнинг "Тўзалмишдан лавҳалар" номли шахсий рассомчилик кўргазмаси очилди.



Экспозицияда мусаввирнинг "Иссиққул", "Жўшқин дарё", "Хива куйи", "Наврўз сайли", "Зиёрат", "Ғилон дарёси", "Хумсонда кўёшли кун", "Чорбоғдаги қишлоқ", "Ҳожикент", "Чорбоғда кўз", "Муҳаббат афсонаси", "Бахт қўши" каби 70 дан ортиқ асарлари ўрин олган.

Рассом Туркменистон Республикасининг Тошауз туманида туғилган бўлиб, П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти ҳамда Тошкент театр ва рассомлик институтида таҳсил олган. Ҳозиргача К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.

У 2003 йили "Меҳнат шўхрати" ордени билан тақдирланган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentская pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAQHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV
Tohir ARIPOV
Ravshan RAIMOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10

Mas'ul kotib: (55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir: Erali NORBEKOV
Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA
Navbatchi: O'tkir HOSHIKOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 21.30
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-631.
7 271 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 ta boq. Ofset usulida bosildi.
Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzillimiz: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonamanzilli: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Нега шундай деймиз

Билса — ҳазил, билмаса — чин

Баъзи одамнинг кўли эгри бўлиб, бир ерга борганда ё бировнинг уйига кирганда, кўзига яхши кўринган нарсани чўнтагига уради. У "эгаси билиб қолса, ҳазиллашувдим, дейман, билмай қолса чиндан ҳам олиб кетавераман", деган хаёлда таваққалига шундай қилади. Мазкур мақолни шундай одамларга нисбатан ва шунга ўхшаш ҳолларда кино тарзида қўллайдилар.

Бир анор минг беморга даво

"Нордон анор ва хусусан унинг шароби сафрони босади ва чиқиндиларнинг ички органларга оқишини тўхтатади. Унинг пўсти, айниқса, куйдирилгани, жароҳатлар учун дори, кўздаги ҳароратга ва кундузи кўрмай қолишда фойда қилади, кўкракни қувватлантиради, қон тупуришда, хафақонга, меъданинг яллиғланишига, ич кетишига фойда қилади, гижжани ҳайдайди" (Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари).

Бир булдуриқ уч қорға татийди

Булдуриқ — бутун борлиқни буркайдиган қалин қиров. Ерда кўпроқ нам тўпланишида, умуман, табиат учун қордан ҳам фойдали ҳисобланади.

Бир йигит қирқ йилда бино бўлади

Йигит — бу ерда "чин инсон, ҳар тарафлама етук одам" маъносига ишлатилган. Киши дунёда қирқ йил яшаганидан кейингина ҳар жиҳатдан камол топади, ҳаётнинг пасти-баландига тушунади, уйланиб, бола-чақалик бўлиб, ҳақиқий ҳаёт йўлини топиб олади, дейилмоқчи.

Ш. ШОМАҚСУДОВ, "Ҳикматнома"



Мана гап

Истеъдод оддий одамлар кўрмаган фожиани, кўрмаган муаммони ва кўрлмаган оқибатни кўради. Бошқача айтганда, истеъдод одамлар орасидаги Яратганнинг нигоҳларига ўхшайди. Бу нигоҳлар қараган нарсасини худди рентгендек кўриб, билиб туради, моҳиятини аналлайди, бундан изтироб чекади, қувонади, озоқлантиради. Унинг ёлғизлиги ўзи кўрган нарсани, ўзи тушунган нарсани бошқалар тушулмаганидан, кўрмаётганидан келиб чиқади. Жамият қиёфасини, эрта ва бугунини истеъдодлар белгилайди. Истеъдодлар, ижодкорлар хор қилинган жамиятнинг эртаси ҳам қоронғи, ҳам фожиали. Буни тарих бир неча марта исботлади.

Назар ЭШОНҚУЛ, ёзувчи



Чоршанба сабоқлари

Ёшлигимда жуда камбағал эдик. Мен нимжон ва кучсиз эдим. Устозимиз тозаликқа қаттиқ эътибор берарди. Ким сиёҳдонидан сиёҳ тўкиб юборса, унга икки

Мен сиёҳдонни жуда эҳтиёт қилардим. Чунки отамнинг қўли калта ва у ошиқча доллар бера олмайди, шунингдек ўзим ҳам устознинг калтагига дош бера олмайман. Лекин бир куни барибир сиёҳ партага тўкилиб кетди. Устоз

дим. Отамнинг кўнгли умшаб кетди ва устоз калтагидан кутилиб қолиш учун бир доллар берди. Эртасига долларни беришга кўзим қиймай, устознинг калтагига

ПЕШОНА ТЕРИ

менга ўқрайиб қаради. Эртага мени нима кутиб турганини билдириб, бошим билан устозга ишора қилдим. Кечкурун отамга бўлган воқеани айтиб бер-

бир амаллаб чидадим. Пешона терим билан ишлаб топган биринчи долларимга шу тарзда эришганман.

Марк ТВЕН



жазодан бирини қўлларди — бири уриш бўлса, иккинчиси бир доллар жарима.

Ўз таровати



Полизлардан олисларга боққан бола, Тарвуз суви кийимига оққан бола.

Жалолиддин ЭСОНОВ сурат-лавҳаси

Инсофнинг нархи... Ажаб савдолар МИНГ СЎМ

"Яндекс такси" ҳозир кутишнинг дастлабки уч дақиқасини текин қилиб қўйган. Ва... Иловада "Платное ожидание" ёзуви кўриниши билан...

Ҳар гал шуни ҳисобга олиб, пулли кутишга ўтилишига камда ўттиз сония қолгунигача бўлган вақт оралиғида чиқаман.

Ва ҳар гал ҳайдовчиларнинг юзидан норозилигини сезаман. Ва ҳар гал ўша вақт тўлиқ ўтиб, "бесплатное ожидание" деган ёзув "платное ожидание"га ўзгармагунча ҳеч бири ўрнидан қўзғалмайди.

Кимнингдир машинаси ўт олмай қолади, яна кимнингдир ён томонни кўрсатувчи ойналарини айнан шу ерда тўғрилаб олгиси келади, бошқа бирови эса худдики "Яндекс" иловасини тушунмаётгандек телефони кавлаб ўтиради... "Ие, қотиб қолибди-ку", деб экранга



Машина ўт олиб кетади. Ён ойна қийшқилгича йўлга тушамиз. Илова бирданига тушунарли бўлиб қолади.

Қотган телефон ҳам ракета мисол учиб ишлайди. "Товуқнинг туши" ҳам ўша ерда унутилиб, машина олдинга қараб силтанади. Ваҳолонки, шу қурғур ўттиз сониянинг нархи минг сўм холос.

Минг сўм учун ўзини ҳар қўйга соладиган бу одамларга фақат инсоф берсин...

Бугун ҳам худди шундай бўлди. Шошиб тургандим. Ҳайдовчига эътироз билдирдим. У мени машинаси ростдан ишламаётганига ишонтироқчи бўлди. Ва ярим километр юрар-юрмас чиндан ҳам машина силқиниб, ўчиб қолди.

Ҳайдовчи менга қарамасдан ҳам айбдор оҳанда деди:

"— Окааа... Худо бордее... Туппа-тузув ишлаб турган мошинами мани ўзм ёлғон блан бузволдим..."

Ҳасан ХУҲА